

ф.ф.н. Қодиров М.
ТДШИ Шарқ фалсафаси ва
маданияти кафедраси доценти
Мансурова Н.
ТДШИ 1-курс магистранти

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ УЛАМОЛАРИ АСАРЛАРИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ислом дини манбаларида хусусан, Қуръон, ҳадиисларда ҳамда фатво китобларида диний бағрикенглик масалалари ёритилган бўлиб, ҳанафий фақиҳлари асарларидан Фахруддин Ўзгандийнинг “Фатавои Қозихон”, Бурҳонуддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асаридаги исломда халқаро ҳуқуққа доир фатволардан баъзилари келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: бағрикенглик, ислом дини, диний конфессия, Қуръони карим, ҳадиси шариф, хижрат, Китабу Сияр, синагога, черков, ал-Ҳидоя, Фахруддин Ўзгандий, Қозихон фатволари, фикҳ, диний қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар.

Аннотация: В данной статье изучалась религиозная толерантность в исламских источниках, таких как Коран, хадисы и книги фетвы. И дается фетвы, связанные с международным правом исламского шариата из книг ученых-ханафи таких как «Фатава Казихан» и «Хидая».

Ключевые слова и выражение: толерантность, исламская религия, религиозная конфессия, Коран, хадис, хиджра, Китабу сияр, синагога, церковь, ал-Хидая, Фахриддин Узганди, фетва, Фетва Казикхана, фикх, религиозные ценности, местные обряды и обычае.

Annotation. Religious tolerance in islamic sources such as Quran, hadith and fatwa books were studied in this article. And there are some fatwas related to the international law of islamic sharia from hanafi scholars book as “Fatawa Kazi khan” and “Hidaya”.

Key words and expressions. Tolerance, islam, religious confession, Quran, hadith, hijra, Kitabu siyar, synagogue, church, al-Hidaya, Fakhruddin Uzjandi, fatwa, Fatawa Kazi khan, national customs and traditions.

Инсоният қайси даврда яшамасин, унинг учун энг олий қадрият бутинчлик бўлиб келган. Тинчлик ва тотувлик ҳукм сурган мамлакатда тараққиёт, ривожланиш ва фаровонлик бўлади.

Мустақил диёримизда ҳам кўп йиллардан буён барча дин вакиллари аҳл иноқликда ҳаёт кечирмоқдалар. Бош қомусимизнинг бир қанча моддалари миллатлар ўртасида тотувлик, тенглик ҳамда эътиқод эркинлигини мустаҳкамлаб қўйган бўлиб, мана 26 йилдирки ўзининг амалиётдаги кучини намоён қилмоқда ҳамда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб келмоқда. Шу ўринда қуйидаги маълумотни келтиришни жоиз деб билдик: Дин ишлари бўйича қўмитанинг берган маълумотларига биноан, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида жами 2221 та диний ташкилотлар мавжуд. Улардан 2065 та исломий, 157 та христиан ташкилотлари, 8 та яҳудий, 6 та баҳойий жамоаси, 1 та Кришна жамияти ва 1 та Будда ибодатхонаси фаолият кўрсатаётгани қайд этилган [5]. Мазкур диний ташкилотлар орасидан диний таълим муассасалари ҳам ўрин олган.

Кўринадики, диний бағрикенглик халқимиз миллий менталитетига хос бўлиб, асрлар давомида шаклланиб келган. Шу ўриндани олиш керакки, бу борада ислом динининг ўрни беқиёс. Чунки у илк пайдо бўлган даврдан бошлаб инсонлар ўртасида аҳл-иноқ, тинч яшашни тарғиб қилди. Айни дамда “ислом” сўзининг маъноси ҳам тинчлик демакдир. Тинчликнинг энг асосий устунларидан бири эса, динлараро бағрикенглик ҳисобланади. Сабаби, ҳозирда дунёда рўй бераётган кўплаб ҳодисаларнинг асоси диний муросасизлик, бошқа дин вакилларининг эътиқодини менсимаслик ва албатта, уларни камситиш орқали юзага келмоқда. Бу эса, бевосита давлатларнинг ички ишларига, уларнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, ҳамда ички муҳитнинг беқарорлашувига олиб келади.

Диний бағрикенглик ислом динида аввало, Қуръони Карим, ҳадиси шарифлар, ҳамда саҳобийларнинг амалга оширган ишлари билан кенг тарғиб қилинади. Хусусан, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ

“Динда мажбур қилиш йўқдир” Бақара сураси, 256-оят.

لَا يَنْهَىٰ هِيَٰكُمْ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُمْ مِّن دِيَارِكُمْ أَن تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ آلَ الْمُقْسِطِينَ

“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб чиқармаган) кимсаларга яхшилик қилишингиз ва адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта Аллоҳ адолатли кишиларни севар.” Мумтаҳана сураси, 8 - оят.

Қуръони Каримда ушбу мазмундаги ояти карималар бир қанча бўлиб, уларнинг барчасида Аллоҳ таоло ўз бандаларини бошқа дин вакиллари билан аҳл, иноқ яшашини, уларга нисбатан адолатли муносабатда бўлишни буюради.

Шунингдек, ислом динининг бағрикенглигини биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий намуналарида тўлиқ ва равшан кўришимиз мумкин. Ривоятларда келишича, Расулуллоҳ с.а.в.:

✓ Ҳабашистондан келган меҳмонларни ўз масжидларига тушириб, ўзлари хизмат қилган эканлар;

✓ Мадинага келганларидан сўнг яҳудийлар билан аҳднома тузиб, тинч – тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорликда яшаш асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшаганлар.

✓ У зот а.с. бошқа дин вакиллари билан берилган ҳадяларни қабул қилар ва ўзлари ҳам уларга ҳадя улашар эдилар.

Шу ўринда эътиборингизни бир маълумотга қаратмоқчимиз: Тадқиқотчи Жоржия ислом ҳукмрон бўлган даврдаги бошқа самовий дин асҳоблари ҳақида шундай ёзади: «Ҳижратнинг тўққизинчи йилига келиб, Ислом дини бутун араб жазирасини қамраб олган бўлса-да, Муҳаммад алайҳиссалом яҳудий ва насороларни ўз динига киришга мажбур қилмаганлар, чунки улар аҳли китоб эдилар. Муҳаммад алайҳиссалом ўзларининг Нажрон бош епископи Абулҳорисга ёзган мактубларида Ислом келгач, араб жазирасида насороларнинг аҳволи яхшиланганини айтиб, жумладан, шундай сўзларни айтганлар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддан Нажроннинг бош епископи Абулҳорисга ва унинг барча руҳонийлари ва епископларига. Аммо баъд. Бош епископга, унинг руҳонийлари ва бошқа епископларга маълум бўлсинки, сизларнинг һчерковларингиз, ибодатхоналарингиз қандай бўлса, шундайлигича қолдирилади. Сизлар ўз ибодатларингизда хур ва эркинсиз. Биронтангиз ўз мансаби ва мақомидан четлаштирилмайди. Диний маросимларингизда ҳеч нарса ўзгартирилмагани

каби, мазкурлардан ҳам ҳеч нарса ўзгартирилмайди. Модомики, епископлар аҳдга, яъни ўзларининг асл инжилларига содиқ қолсалар ва ундаги таълимотларга, яъни насроний динининг таълимотларига амал қилсалар, Аллоҳнинг ва Расулининг зиммасида, яъни ҳимоясида бўлади. Ким уларни бу нарсадан тўсса, у Аллоҳнинг ва Расулининг душмани бўлади» [2].

Юқоридаги ҳодисанинг ўзиёқ Расулуллоҳ с.а.в.нинг бошқа дин вакилларига нисбатан қандай муносабатда бўлганлари ва биз мусулмонлар ҳам қандай муносабатда бўлишимиз кераклигининг ёрқин намунаси дир.

Ислом шариати қоидаларига кўра бу динга эътиқод қилувчилар ва ғайридинлар ўртасидаги муносабатлар Ислом халқаро ҳуқуқи (Сияр) тамойиллари орқали тартибга солинади. Бу борада Ҳанафий фикҳи уламолари фаолиятида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган.

Шунингдек, ушбу мазҳаб ёрқин намоёндаларидан бири, бир неча асрлардан буён ҳанафий мазҳабида энг асосий фатво манбаларидан бири бўлиб келаётган “Фатовои Қозихон” асарида ҳам мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасидаги муносабатларга доир кўплаб фатволар бериб ўтилган. Унинг муаллифи Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий ҳисобланиб, у ўз асарининг “Китабус-сияр”(Халқаро ҳуқуқ) қисмида шундай дейди: “Агар уларнинг черковлари ёки синагогалари (уруш даврида) ёниб кетадиган бўлса, уни аввал қандай бўлган бўлса, ҳудди шу шаклда қилиб қайта қуриб бериш зарур” [3], - деб айтади. Ҳудди шунга ўхшаш фикр Бурҳониддин Марғиноний қаламига мансуб “Ал-Ҳидоя” асарида ҳам келтирилган, яъни у ҳам мусулмонлар диёрида черков ва ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, уларни яна қайта тиклаш жоизлиги алоҳида айтиб ўтган. Шунинг учун фақиҳларимиз фикҳ китобларида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, мусулмонлар диёрида черков ёки бошқа ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, ўша ердаги насронийлар уни тиклашни талаб ёки илтимос қилиб чиқса, уларни қайта тиклаш мумкинлиги ҳақида боблар киритилганлар [4].

Фахруддин Қозихон яна ўз китобида: “Агар мусулмон киши зиммийларнинг хамрини оқизиб юборса ёки тўнғизини ўлдириб қўйса, у ўша нарсаларни тўлаб бериши керак,” – деб айтиб ўтади. Маълумки, ислом ҳуқуқида бу каби нарсалар агар мусулмонларга тегишли бўладиган бўлса, уларнинг қиймати қопланмайди, сабаби бу каби нарсалар ислом олди-сотди ҳуқуқида савдо объекти сифатида киритилмаган. Бироқ улар ғайридин вакилига тегишли бўлган тақдирда унинг қиймати қопланади ёки айнан шунга ўхшаш мол топширилади. Демак, бундан кўринадики, ислом ҳуқуқида ўзга дин вакилларининг ҳуқуқи паймол бўлишига ҳеч қачон йўл қўйилмаган.

Мусулмон киши бошқа дин вакилига тегишли бўлган, ўз динида ҳаром, лекин бошқа дин вакили учун ҳалол саналган нарсани синдирса, оқизиб юборса

ёхуд уни қандай бўлмасин истеъмомга яроқсиз ҳолга келтирса, ҳудди шундай нарсани олиб келиб бериши ёки унинг қийматини тўлаши зарур.

Юқоридагиларнинг барчасидан келиб чиқадики, ҳанафий уламолар фикҳий асарларда диний бағрикенглик масаласи ва бошқа дин вакиллари ҳамда уларнинг эътиқодларига нисбатан ҳурмат ҳар доим асосий масалалардан бири бўлиб келган. Шу боис бу жараёнларга боғлиқ фатволар кўплаб фикҳий асарларда ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мансуров. А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 618 б.
2. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. “فتاوى القضاة” (Қозихон фатвоси), 7-жилд. – Байрут: “Дарул фикр”, 2010. – 376 б.
3. Ислом ҳуқушунослиги. Ўқув қўлланма”/Муаллифлар: Ж.Тошқулов, Н. Юсупова, И. Бекмирзаев, А.Сарсенбаев, С. Масаидов/ Масъул муҳаррир: Ж.Тошқулов. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 408 б.
4. <http://www.mehrob.uz/>“Ислом – тинчлик дини” Р.Сайфуддинов.
5. [http:// www.religions.uz](http://www.religions.uz)